

ЎРМОН БИОЦЕНОЗИДА ТАНА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Рахимова Азиза Абдухалимджановна

ассистент

Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти

BODY PESTS IN FOREST BIOSENOSIS AND MEASURES AGAINST THEM

Rakhimova Aziza Abdukhalimdjanovna

assistant

Andijan Institute of Agriculture
and agrotechnologies

Аннотация Ушбу мақолада ўрмонзорларнинг ахамияти, ўрмонзорларда учрайдиган тана зараркунандаларининг морфологияси, биоэкологияси ва зарар етказиш даражаси ёритилган. Шунингдек, мақолада келтирилган зараркунандаларга қарши кураш чоралари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар; ўрмон, биоценоз, зараркунанда, *Cosus-cosus*, *Aegeria apiformis*, терак, тол, заранг, оқ қайин, эман, агротехник, биологик, кимёвий.

Annotation This article discusses the importance of forests and the morphology, bioecology and degree of infection of stem pests found in forests. The article also contains information about pest control measures.

Keywords; forest, biocenosis, pest, *Cosus-cosus*, *Aegeria apiformis*, poplar, willow, maple, white birch, oak, agrotechnical, biological, chemical.

Кейинги пайтда дунё мамлакатларида турли хилдаги саноат ва инновацион технологияларни шиддат билан яратилиши, жаҳон мамлакатларини иқтисодий ривожланишига олиб келиши билан бир қаторда,

инсоният учун ўта муҳим бўлган атроф-муҳитнинг глобал равишда ўзгариши, ўсимликлар, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги экинлари агробио-ценозини бузилишига олиб келмоқда. Бу эса нафақат инсонлар касалликларини ривожланишига, балки ўсимликлар зарарли организм-ларининг ҳам кескин кўпайиб боришига олиб келмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида ўрмон фондини муҳофаза қилиш, кўпайтириш, ундан оқилона фойдаланиш, унинг моддий-техника базасини модернизация қилиш, соҳага бозор механизмларини ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ҳисобига илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда ўрмон хўжалигини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4424-сон қарори эълон қилинди.

Ўрмон биоценозида манзарали ва ёғочбоп дарахтларга жиддий зарар етказадиган кенг тарқалган *Lepidoptera* туркуми вакиллари бўлган сассиқ дарахтхўр, терак ойнадори, кичик терак шишасимони ва бошқа зараркунандалар иқтисодий жихатдан зарар етказмоқда.

Танахўр зараркунандалар баргхўрларга қараганда биоэколик жихатдан фарқ қилади, чунки уларнинг асосий ривожланиш босқичлари дарахт танасида кечади ва уларга қарши кураш чоралари ҳам бир мунча қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Дарахт сассиқхўри (Cossus cossus L.) капалакнинг олдинги қанотлари кўнғир-кулранг тусда. Қанотлари ноаниқ кулранг-оқиш доғлари ва кўндалангига тўлқинсимон чизиқлари бор. Орқа қанотлари тўқ-жигарранг кўринишда бўлиб, хира тўлқинсимон чизиқлари бор. Кўкрак қисмининг уст томони тўқ, қорни оқ ва йўғон, эркагининг қанотлари ўлчами 65-70 мм. Урғочисининг қанотлари эса 80-95 мм. Янги чиққан личинкалар тўқ-қизил, кейинроқ эса оч-қизил рангда бўлади. Боши қора ялтироқ. Вояга етган

личинкаси 80-95 мм, нафас олиш тешиклари жигарранг. Агар личинкаларга бирор нарса тегиб кетса ўзидан мушк хидли суюқлик ажратади. Гумбаги калин ипаксимон пилласининг ичида жойлашган. Қўнғир рангда. Гумбагининг узунлиги тахминан 60 мм. Тухуми овалсимон, тиниқ- жигар ранг, қора йўллари бор, ҳажми 1,2 мм.

Ёғоч қурти кўпгина япроқ баргли дарахтларни, жумладан, терак, тол, заранг, оқ қайин, эман ва бошқа мевали дарахт турларининг луб қаватини ва ёғочлик қисмини ўйиб (еб) катта зарар етказади.

Бу зараркунанданинг табиатга учиб чиқиши Ўрта Осиё шароитида май ойи охирлари ва июн ойларида бошланади. В.И.Плотников ва И.К.Махновский маълумотларига кўра бу капалак кўпгина кўчатзор ва теракзорларга 20% дан 50% гача зарар етказилганлиги қайд қилинган.

Табиатда танахўрининг капалаклари учиб юриши одатда 14-15 кун давом этади. Личинкалар аввал дарахтнинг луб қаватини кемиради, кейинчалик дарахт танасининг пастки қисмининг ёғочлик қисмини ҳам ҳар томонлама (кўндалангига, тиккасига) тешиб ташлайди. Улар ҳосил қилган тешик йўлларнинг девори личинкалар ҳосил қилган суюқлик билан заҳарланиб, жигарранг ёки қора рангли бўлиб қолади. Дарахт барглари тўкила бошлаганда личинкалар озикланишни тўхтатади ва ўзлари ясаган хандакларда қишлайди. Улар шу ерда келуси йил дарахтлар барг ёзгунига қадар ётади. Кулгуси йил баҳорда личинкалар яна озикланишни давом эттиради ва кузга бориб гумбакка айланиб, иккинчи марта қишлайди. Гумбакка айланиш босқичи 3-6 ҳафта давом этади.

Урғочи капалак дарахт ёриқлари, пўстлоқ остига ёки зарарланган тешикларга 20-25 тадан тўп-тўп қилиб тухум қўяди. Тахминан 14-15 кундан сўнг тухумлардан ёш личинкалар туғилади. Ёғоч қуртининг кўпайиши (генерацияси) икки йиллик.

Ёғоч қурти Ўзбекистоннинг тоғларида денгиз сатҳидан 1800 м баландликлардаги ўрмонзорларда учрайди. У Ўзбекистонда фақат тол ва олма дарахтларининг зараркунандаси сифатида маълум.

Ўрмон биоценозидаги яна бир ашаддий зараркунандалардан бири бу танахўр зараркунандалар Aegeridae оиласига мансуб бўлган катта терак шишасимони -*Aegeria apiformis*. Бу капалакнинг қанотлари ўлчами 40-45 мм ни ташкил қилади. Боши сариқ, кўкраги қора-жигарранг. Қанотлари ялтироқ, жияклари хошияланган, олдинги томонида қора нуқталари бор. Личинкалари оқ-сарик рангда, орқа томонида сезилмайдиган чизиғи бор. Катта ёшли личинкаларининг тана узунлиги 24-25 мм. Ғумбаги тўқ-қўнғир рангли, узунлиги тахминан 30 мм.

Капалакларнинг табиатга учиб чиқиши жанубий вилоятларда май ойи бошларида бошланиб июл ойи бошларигача давом этади. Урғочи капалак дарахт танасининг энг пастки қисмига пўстлоқ ости ва ёриқларига биттадан тухум қўяди. Баъзан тупроққа ҳам тухум қўяди. Бир бош она капалак тахминан 1200 та тухум қўяди. Орадан 3-4 ҳафта ўтиб тухумчалардан личинкалар чиқади ва дарахт пўстлоғини тешиб озиқланишни бошлайди. Улар ёз бўйи озиқланади. Кўпчилик ҳолларда личинкалар дарахт пўстлоғида қишлайди. Баҳорга бориб, яъни тераклар барг ёза бошлаган вақтда қишловдан чиққан личинкалар дарахт танасини ҳам тешиб ҳар томонга қараб тешиклар (коваклар) ҳосил қилади.

Қарши кураш чоралари

Ҳидли ёғоч ўймакори ҳаёт тарзининг ўзига хослиги унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишда алоҳида ёндашувни талаб этади. Агротехник тадбирларда дарахт поялари, йўғон шохлар ва улар оралари эски пўстлоқлардан тозаланади ва албатта тўпланган қолдиқлар ёқиб юборилади. Бу тадбир эски пўстлоқлар ва дарахт ёриқларига тўпланган қуртлар миқдорини камайтиради.

Капалакларнинг учиб келиши ва тухум қўйиши даврида дарахтларга инсектицидларнинг ишчи суюқлигини қўллаш мумкин, бинобарин мазкур ҳашаротнинг учиб келиши йилда бир марта – асосан май ойида кузатилади. Шу боис мавсум бошида дарахтларга бир марта, ёки энг яхшиси икки марта ишлов бериш уларнинг ҳидли ёғоч ўймакори билан зарарланишига барҳам бериши мумкин. Бунда

боғлар ҳолатининг яна бир яхшиланиш ҳолати шундаки, май ойида одатда меваги дарахтларни олма мевахўри вабошқа бир қанча барг ўровчиларнинг турлари, шунингдек сўрувчи йўлдош зараркунандалардан (ўсимлик битлари, қалқондор, кана ва б.) химоялаш муддати бошланади. Шу боис мазкур муддат доимо зараркунандаларга қарши курашишнинг умумий тизимида мос келади ва муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Шундай қилиб, ишонч билан таъкидлаш мумкинки, зараркунанда объектларнинг сонини биологик (табiiй) усулда камайтириш, бунинг учун энг самарали яйдоқчи турларини хориждан жалб қилиш (интродукция) – ўсимликларни (боғларни) химоя қилиш ишида истиқболли йўналишлардан биридир.

Зараркунандаларга қарши биологик усулда курашишнинг яна бири йўналиши – микробиоусул ҳисобланади. Бунда ўсимликларнинг химоячилари сифатида микроорганизмлар (бактерия, замбуруғ, вирус ва содда ҳайвонлар) иштирок этади. *Bacillus thuringiensis* бактериялари асосидан тайёрланган препаратлар энг кўп тарқалган ва амалда кенг қўлланилаётган препаратлар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарори. – Тошкент. 06.10.2020 й. НПҚ-4850
2. Рахимова А., Эсанбаев Ш., Р. Жумаев Ўрмон биоценозида учрайдиган фитофаг зараркунандалар турлари Агро Кимё химоя ва ўсимликлар карантини илмий-амалий журнал № 6 2021. – Б. 1-3.
3. Эсанбаев Ш., У. А. Машарипов У. А., М. М. Аблазова М. М., Вредители лесных насаждений и меры борьбы с ними. Ташкент. 2021. – С. 176-177.
4. Юсупов А. Стекланница – вредитель молодых тополей // Информационный листок о передовом производственном огне ГФНТИ, 1994. – С. 3.